

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Тошкент давлат аграр университети  
биринчи проректори  
\_\_\_\_\_ С.Исломов  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 йил

# **ЛОЙИХАНИ БАҲОЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДАГИ 5,4 ГЕКТАР  
МАЙДОНДА “ЮСУФХОНА” ЎҚУВ АМАЛИЁТ МАСКАНИНИ ДАВЛАТ  
ХУСУСИЙ-ШЕРИКЛИК АСОСИДА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАРГА  
ЭГА БЎЛГАН БИНОЛАР ҚУРИШ, ЖИҲОЗЛАШ ВА БИНОДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА**



**Тошкент – 2024 йил**

**ЛОЙИХАНИ БАҲОЛАШ ҲУЖЖАТИ**

### **Лойиҳанинг номи**

Тошкент давлат аграр университетнинг Бўстонлик туманидаги 5,4 майдондаги “Юсуфхона” ўқув амалиёт масканини давлат хусусий-шериклик асосида барча шарт-шароитларга эга бўлган бинолар қуриш, жиҳозлаш ва бинодан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳаси

### **Ташаббускор номи**

Бўстонлик туманидаги “Юсуфхона” ўқув амалиёт масканини давлат хусусий-шериклик асосида барча шарт-шароитларга эга бўлган бинолар қуриш, жиҳозлаш ва бинодан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳаси ташаббускори Тошкент давлат аграр университети

### **Лойиҳанинг ҳисоб-китоб қилинган умумий қиймати**

ДХШ асосидаги ушбу лойиҳанинг пировард мақсади бўлиб, Бўстонлик туманидаги 5,4 гектар майдонда “Юсуфхона” ўқув амалиёт масканини реконструкция қилиш, жиҳозлаш, дам олиш маскани, ўқув маркази ва бошқа қулай шарт-шароитларга эга бўлган биноларни қуриш орқали вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлари, профессор-ўқутувчилар ва талаба-ёшларнинг малака ошириши ва дам олишларига шароитлар яратишни ташкил этиш. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати **31 301,3 млн.** сўмни ташкил қилади.

### **Лойиҳа кўлами, шу жумладан унинг қуввати**

Бугунги кунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотларида жами **6200 нафардан** ортик, университетда **1100 нафар** профессор-ўқутувчилар, ишчи ходимлари ва **16 874 нафар** талабалар контингентини инobatга олган ҳолда, улар учун дам олиш маскани, ўқув маркази ва бошқа қулай шарт-шароитларга эга бўлган биноларни қуриш кўзда тутилмоқда. Шу боис, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида қуйидаги шартларни амалга ошириш режалаштирилган:

- 1 та 100 ўринли мехмонхона биносини, 1 та 100 ўринли талабалар мехмонхонаси (ҳостил) ва 4 та ҳар бири 5 хонали коттежлар қуриш;

- семинар-тренинг ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун 1 та 100 ўринли конференц зал, 2 та 30 ўринли, 2 та 50 ўринли ўқув хоналар қуриш;

- интенсив агротехнологияларга асосланган 0,5 гектар боғ, 0,5 гектар токзор ва 10 сотихлик иссиқхона барпо қилиш;

- очик майдонда 2 та футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, тренажорлар (воркаут зона), сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини қуриш.

- овқатланиш ва бошқа тадбирларини ўтказишга мўлжалланган 200 ўринли кафе қуриш.

Мазкур лойиҳа доирасида давлат шериги томонидан «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш маскани тўлиқ фаолият юритиши учун ҳар йили май-август ойларида 10 фоизи, қолган ойларда 20 фоизи ҳажмида вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларнинг малака ошириши ва дам олишини ташкил этиш режалаштирилган.

«Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканининг тўлиқ фаолият юритишини таъминлаш мақсадида хусусий шерик томонидан кўшимча мехмонларни жалб қилиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилиши талаб этилади.

**Лойиҳанинг таркибий қисмлари — ҳар бирининг нархлари кўрсатилган ҳолда.**

“Юсуфхона” ўқув амалиёти масканида ҳар йили вазирлик ва тизим ташкилот ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабаларни малакасини ошириш ва дам олишларини ташкил этиш учун семинар-тренинг ўтказишга мўлжалланган конференц зал ва ўқув хоналар, хизмат қилувчи кафе, спорт-соғломлаштириш ва маиший хизматларни кўрсатувчи, мехмонхона, коттежлар, кўрғазмали интенсив боғ ва токзорлар, иссиқхона ва бошқалар инфратузилма объектлари лойиҳанинг таркибий қисмларининг ҳар бирининг нархлари жадвалда кўрсатилган.

*минг сўмда*

№	Бино ва иншоотлари номи	Қурилиш харажатлар	Жихозлаш харажатлар	Қуриш билан боғлиқ бошқа харажатлари	Бинонинг харажатлари
1.	100 ўринли мехмонхона қуриш	8 820 000.0	980 000.0	292 449.0	10 092 449.0
2.	100 ўринли талабалар мехмонхонаси (ҳостил) қуриш	8 820 000.0	980 000.0	292 449.0	10 092 449.0
3.	4 та ҳар бири 5 хонали коттеж	2 880 000.0	320 000.0	96 000.0	3 296 000.0
4.	1 та 100 ўринли конференц зал, 2 та 30 ўринли, 2 та 50 ўринли ўқув хоналар бино қуриш	3 252 500.0	372 500.0	141 750.0	3 766 750.0
5.	0,5 гектар интенсив боғ ва 0,5 гектар токзор ва 10 сотихлик иссиқхона	500 000.0			500 000.0
6.	2 та футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, тренажорлар (воркаут зона), сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини қуриш	1 350 000.0		40 500 .0	1 390 500.0
7.	200 ўринли кафе	1 890 000.0	210 000.0	63 000.0	2 163 000.0
<b>Жами:</b>		<b>27 512 500,0</b>	<b>2 862 500,0</b>	<b>926 148,0</b>	<b>31 301 148,0</b>

## **Лойиха амалга ошириладиган манзил (вилоят, туман, шаҳар);**

Лойиха Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Юсуфхона МФЙ худудида амалга оширилиши мўлжалланган.

Бўстонлик тумани - Тошкент вилояти таркибидаги туман. 1955 йил 19 апрелда ташкил этилган (*1962 йил 24 декабрда Юқори Чирчиқ туманига қўшиб юборилган, 1968 йил 25 декабрда қайта тузилган*). Бўстонлик тумани шимолдан Қозоғистон Республикаси шарқда Қирғизистон Республикаси, шарқда ЎзРес. Наманган вилоятининг Поп тумани, шимолда-ғарбда Тошкент вилоятининг Қибрай, жанубда Юқори Чирчиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари билан чегарадош. Майдони 4,93 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 142,9 минг киши (2000). Бўстонлик туманида туманга бўйсунувчи 1 шаҳар (Ғазалкент), 18 қишлоқ фуқаролари йиғини (Боғистон, Бўстонлик, Думалоқ, Жаҳонобод, Озодбош, Паргос, Сижжак, Сойлик, Тошпўлат Дадабоев, Угом, Хумсон, Чимбойлик, Чимён, Янгиовул, Қораманас, Кўшкўрғон, Ғалаба, Ҳондайлик) бор. Маркази - Ғазалкент ш. (Тошкент шаҳаргача 58 км).

Табиати: Бўстонлик тумани худуди Тяньшан тоғ тизимидаги Угом, Писком, қисман Қоржонтов (шим. шарқда), Чатқол (жан. ғарбда) тизмалари оралиғида жойлашган. Тоғ олди ва тоғ этакларининг бал. 600-800 м. Энг баланд нуқтаси 4291 м (Бештор тоғи). Йилига 500 - 600 мм, айрим жойларда 1000 мм гача ёгин тушади. Январ оининг ўртача харорати -9, -15, июлники 17 - 21. Дарё ва сойлари Чирчиқ дарёсининг ирмоқлари бўлиб, уларнинг энг муҳимлари Писком, Угом, Кўксув, Чатқол, Оқтош, Чимён. Янгиканал, Ходолак, Кемир, Терс каналлар қурилган. Писком ва Чатқол дарёлари қўшилган жойда Чорвоқ сув омбори ва гидроузели (тўғони) барпо этилган. Дарё водийлари ўзлаштирилган. Баландлик зоналари бўйича бўз тупроқ, тоғ жигарранг тупроқ ва баланд тоғ очқўнғир ўтлоқидаш тупроқларида дашт ўтлари, сийрак дарахтли арча ўрмонлари, ўтлоқидаш ва дашт ўсимликлари ўсади. Баҳор ойларида турли ўтўланлар, лола, чучмома, бойчечак атрофни гиламдек қоплаб ажиб бир манзара ҳосил қилади. Ёввойи ҳайвонлардан қобон, айиқ, бўри, тулки, бўрсик, қушлардан қораялоқ, зағизғон, каклик, ўрдак яшайди. Мармар, гранит, қурилиш материаллари хом ашёлари бор.

Аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилади; қозоқ, тожик, қирғиз, рус, украин ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 28 киши. Суғориладиган ерларда аҳоли зичроқ яшайди. Шаҳар аҳолисининг салмоғи 30,9%. Бўстонлик тумани худудида Ўзбекистонда энг йирик рекреация (дам олиш) зонаси ташкил этилган (Чорвоқ—Чимён, Паргос - Оқтош). Туманда «Оқтош» (бал. 1140 м), «Хумсон» (1150 м), «Амирсой» (бал. 2494 м), «Белдирсой» (бал. 1500 м), «Тибет» (бал. 1650 м), «Товоқсой» (800 м) ва бошқа санаторийлар, «Кристалл» пансионати, «Чимён» рекреация комплекси, кўплаб дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари бор.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари - сут-гўшт чорвачилиги, сабзавотчилик, боғдорчилик, токчилик, пиллачилик ва бошқа. Туман умумий ер фонди 479,3 минг гектар, шу жумладан суғориладиган ерлар 14,9 минг гектар Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерлари умумий майдони 140,6 минг гектар, шундан экинзорлар 11,9 минг гектар (шу жумладан суғориладигани 6,1 минг гектар), боғ ва токзорлар 7 минг

гектар, пичанзор ва яйловлар 64,6 минг гектар. Жами томорқа ерлар 2,5 минг гектар (шу жумладан суғориладигани 2 минг гектар). Умумий экин майдони (томорқа ерлари билан бирга) 15,1 минг гектар, шундан ерлар 8,8 минг гектар, лалмикор деҳқончилик ерлари 6,3 минг гектар. Ўрмонзор майдони 28 минг гектар ташкил этади.

Бўстонлик тумани юқори туристик, табиий имконияти жиҳатидан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилиш учун қулай шароит мавжуд.

Уни тўғри ривожлантириш ўзи билан бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий, экологик ва инвестицион ўзгаришларни олиб келади. Давлат раҳбари ва Ҳукумат томонидан Бўстонлик туманини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан, «Бўстонлик туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги ПФ-6053-сонли Фармони, шунингдек «Чорвоқ» туристик рекреацион зонасини ташкил этиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5273-сонли Фармони қабул қилинган.

Туманда, агротуризмга катта эътибор берилмоқда: Европадан олиб келинган кийиклар кўпайтирилмоқда. Қоранқул қишлоғи денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган. Бу ерда кийикчиликни ривожлантириш учун 176,4 гектар жой ажратилган бўлиб, шундан 87,8 гектар ерда айни пайтда “Соррида Фод” оилавий корхонасида 150 бош Европа кийиги ва асл буғу парваришланмоқда.

Бундан ташқари ҳудудда бугунги кунда бир қатор дам олиш масканлари мавжуд (Пирамида меҳмонхонаси, Авенуе парк хотел ресорт & спа, “б&б лаке ҳоусе” меҳмонхона мажмуаси, “Чарос делух ресорт & спа” меҳмонхона ва кўнгилочар мажмуаси, Горняк Пансионати, “Белые Пески” Пляж ва бошқалар.

Республиканинг бошқа ҳудудларидан келадиган меҳмонлар, фаолият юритаётган йирик корхона ташкилотларга конференциялар, бизнес тадбирлари, тренинглар, курслар ва семинарлар ўтказиш учун конференц зал ва ўқув хоналари ташкил этилади, шунингдек, спорт комплекс, футбол, баскетбол ва теннис майдонларини спорт мусобақаларини ўтказиш учун шароитлар яратилади, байрам тадбирлари, банкетлар, тимбилдингларни ташкил этилади, кўчма кўргазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар ва телекўрсатувлар ташкил этилади, фитнес, массаж, сауна, косметологик муолажалар бўйича хизматлар кўрсатилади.

### **Мазкур хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ кўшимча сарф харажатлар:**

- интенсив боғ-токзор ва иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ, яъни сақлаш, қадоқлаш, транспорт харажатлари;

- байрам тадбирлари, банкетлар, тимбилдингларни уюштириш билан боғлиқ харажатлар: ҳудудни байрамона безатиш, фотозоналар ташкил этиш, совғалар сотиб олиш, маҳсус меню, кўшимча жалб қилинган ходимларга иш ҳақи харажатлари;

- ўқув курслари, кўчма кўрғазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, шунингдек телекўрсатувлар ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар: ускуналар, стендлар, экспонатлар учун харажатлар; реклама, буклетлар, матбуот харажатлари; кўшимча жалб қилинган ходимларга иш ҳақи харажатлари;

- фитнес, массаж, сауна, косметологик муолажалар бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар

### **Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари.**

“Юсуфхона” ўқув амалиёти масканида ҳар йили вазирлик ва тизим ташкилот ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабаларни малакасини ошириш ва дам олишларини ташкил этиш учун семинар-тренинг ўтказишга мўлжалланган конференц зал ва ўқув хоналар, хизмат қилувчи ресторан, спорт-соғломлаштириш ва маиший хизматларни кўрсатувчи, мехмонхона, коттежлар, кўрғазмали интенсив боғ ва токзорлар, иссиқхона ва бошқалар инфратузилма объектлари ташкил этилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотларида жами 6200 нафардан ортиқ, университетда 1100 нафар профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлар 16 874 нафар талабалар мавжуд.

Асосий фойда кўрувчилар акс эттирилган ҳолда, мақсадли гуруҳлар:

1. Вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари учун мунтазам равишда малака ошириш, ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкил этиш;

2. Университет профессор-ўқитувчилари, докторантлари, магистрантлари томонидан қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, доривор ўсимликлар, мевачилик ва бошқа йўналишларда илмий-тажриба ишлари амалга оширилади;

3. Вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлари, университет профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун мунтазам равишда дам олиш ва соғломлаштириш ишлари ташкил этилади;

4. Халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот институтлари ва соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар иштирокида илмий анжуманлар, семинар-тренинглар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади;

5. Республиканинг бошқа ҳудудларидан ташриф буюрадиган мехмонлар, туристлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари.

### **Молиялаштириш манбалари ва схемалари**

Лойиҳани молиялаштириш манбаси талабгорнинг ихтиёрида бўлиб, талабгорнинг ўз манбалари ёки ташқи манбалардан (кредит, лизинг, бошқа корхонанинг молиявий ёрдами ва ҳоказо) бўлиши мумкин. Лойиҳанинг умумий нархи **31 301 148,3 минг сўм**ни ташкил қилади.

<b>ЛОЙИХА НОМИ</b>	<b>Тошкент давлат аграр университетига қарашли Бўстонлик туманида жойлашган 5,4 гектар майдонда давлат хусусий-шериклик асосида «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш</b>	
<b>ЛОЙИХА ХАКИДА МАЪЛУМОТ</b>		
<b>ХИЗМАТИ</b>	Мехмонхона, коттеж, футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, кафе-ресторан хизмати кўрсатиш	<b>НОМИ</b>
<b>ОБЪЕКТ</b>		<b>ПОЧТА МАНЗИЛИ</b>
<b>ЛОЙИХАНИНГ ЖАМИ КИЙМАТИ (минг сўм)</b>	<b>31 301 148,3</b>	<b>РАХБАР</b>
<b>УЗ МАБЛАГЛАРИ (минг сўм)</b>	<b>31 301 148,3</b>	<b>БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ</b>
Давлат бюджети ҳисобидан (ВМнинг 259-сонли қарорига асосан)		<b>ТЕЛЕФОН</b>
<b>Курс 1\$ = 12 800 сўм</b>		

**Молиялаштириш йиллар кесимида кўрсатилган ҳолда, лойиҳани амалга ошириш даври.**

<b>РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ФОЙДА ВА ЗАРАР</b>					
	<b>1 йил</b>	<b>2 йил</b>	<b>3 йил</b>	<b>4 йил</b>	<b>5 йил</b>
Жами ялпи сотув ККС 15%	3 978 400	3 978 400	3 978 400	3 978 400	3 978 400
Ялпи сотув ККС сиз	3 978 400	3 978 400	3 978 400	3 978 400	3 978 400
Хизмат таннари	1 585 982	1 585 982	1 585 982	1 585 982	1 585 982
<b>Ялпи даромад</b>	<b>3 978 400</b>	<b>3 978 400</b>	<b>3 978 400</b>	<b>3 978 400</b>	<b>3 978 400</b>
Маъмурий харажат	158 400	158 400	158 400	158 400	158 400
<b>Оператив даромад</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>
Бошка иктисодий харажатлар	7 002	7 002	7 002	7 002	7 002
Солик тулагангача даромад	3 812 998	3 812 998	3 812 998	3 812 998	3 812 998
Фойда солиғи (15,0%)	571 950	571 950	571 950	571 950	571 950







158 400	158 400	158 400	158 400	158 400	158 400	158 400
<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>	<b>3 820 000</b>
7 002	7 002	7 002	7 002	7 002	7 002	7 002
3 812 998	3 812 998	3 812 998	3 812 998	3 812 998	3 812 998	3 812 998
571 950	571 950	571 950	571 950	571 950	571 950	571 950
1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066
1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066	1 655 066
44,9%	44,9%	44,9%	44,9%	44,9%	44,9%	44,9%
35,2%	35,2%	35,2%	35,2%	35,2%	35,2%	35,2%
<b>8 420 441</b>	<b>10 075 507</b>	<b>11 730 573</b>	<b>13 385 640</b>	<b>15 040 706</b>	<b>16 695 772</b>	<b>18 350 838</b>

## 1. Иқтисодий бўлимда

Лойиҳанинг иқтисодий фойда ва харажатларини баҳолаш, шу жумладан лойиҳа натижалари, оқибатлари ва таъсири таҳлили, сарф-харажатлари ва ўлчаб бўлмайдиган фойдалари, қўшилган фойдалар ва сарфлари, қайтариб бўлмайдиган сарф-харажатлари, ташқи таъсирлар, лойиҳадан келадиган билвосита фойдани баҳолаш.

Умумий харажатлар - **31 301 148,3 минг. сўм**, Шундан, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар **28 438 648,0 минг сўм** ва эксплуатацион харажатлар миқдори **1 578 980,0 минг. сўм**.

Эркин фойдаланилиши учун тўлов:

Бир ойда **200 та** ўриндан ўртача **1,2 млрд сўм** (бир ўринга 1 кунли ўртача тўлов 500 минг сўм). Ёзги мавсумда 100 фоиз, бошқа мавсумда 60-70 фоиз меҳмонлар келиши кутилмоқда.

Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олувчи талабалар сонининг ортиб бораётганлиги мутаносиб равишда ўқув базаси, профессор-ўқитувчилар ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда зарур инфратузилма объектларининг ҳам оширилишини талаб этади. Шундай экан, давлат-хусусий шериклик асосида “Юсуфхона” ўқув амалиёти масканида ҳар йили вазирлик ва тизим ташкилот ходимлари, професор-ўқитувчилар, талабаларни малакасини ошириш ва дам олишларини ташкил этиш учун семинар-тренинг ўтказишга мўлжалланган конференц зал ва ўқув хоналар, хизмат қилувчи ресторан, спорт-соғломлаштириш ва маиший хизматларни кўрсатувчи, меҳмонхона, коттежлар, кўрғазмали интенсив боғ ва тоқзорлар, иссиқхона ва бошқалар инфратузилма объектлари ташкил этилади.

Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга тушганидан сўнг асосий фаолиятдан (меҳмонхона ва бошқа турдаги хизматлари билан таъминлаш) дан йилик **700 000,00 минг сўм**, Қўшимча фаолиятдан (2 дона футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, очиқ майдонда тренажорлар, ташқи сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини хизматлари, 200 ўринли кафе (овқатланиш хизматлари), Маиший хизматлар, IT хизматлари) эса **3 278 400,00 минг сўмдан** даромад олиш кўзда тутилган.

Қўшимча (умумий овқатланиш, спорт-соғломлаштириш, семинар-тренинг ўтказиш, меҳмонхона, коттежлар, кўрғазмали интенсив боғ ва

токзорлар, иссиқхона ва бошқалар) хизматлар кўсатиш орқали бир йиллик ўртача **10,0 млрд сўмлик** соф даромад олиш кутилмоқда.

*Давлат олий таълим муассасасида 200 ўринли* дам олиш маскани, ўқув маркази ва бошқа қулай шарт-шароитларга ега бўлган биноларни *бошқарув харажатларига (хар бир ўрин учун ундирилган тўловлардан ташқари)* ҳар йили **240 000 000 сўм** бюджетга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан маблағ сарфлайди.

*Давлат таълим муассасасида ўқув маркази ва бошқа қулай шарт-шароитларга эга бўлган биноларни ҳар 5-7 йилда капитал таъмирлаш учун бинонинг жорий нархдаги қийматини 30-40 фоизига 8-10 млрд сўмга тенг бўлган маблағлар сарфланади.*

**Иқтисодий самара: 200 ўринли** дам олиш маскани, ўқув маркази ва бошқа қулай шарт-шароитларга ега бўлган биноларни ДХШ лойиҳаси асосида қуриш ва жиҳозлаш **31 301 148,3 минг сўмга** тенг давлат бюджети маблағларини тежаш имконини беради.

#### **Кўшимча хизматлар:**

- вазирлик ва тизим ташкилотларидан ташқари корхона ташкилотлар ва тадбиркорларга конференциялар, бизнес тадбирлари, тренинглар, курслар ва семинарлар ўтказиш учун конференц зал ва ўқув хоналарини ижарага бериш;

- спорт комплекс, футбол, баскетбол ва теннис майдонларини спорт мусобақаларини ўтказиш учун ижарага бериш;

- интенсив боғ-токзор ва иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотларни сотиш;

- байрам тадбирлари, банкетлар, тимбилдингларни ташкил этиш;

- кўчма кўргазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар ва телекўрсатувлар ташкил этиш;

- фитнес, массаж, сауна, косметологик муолажалар бўйича хизматлар кўрсатиш.

#### **Мазкур хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ кўшимча сарф харажатлар:**

- интенсив боғ-токзор ва иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ, яъни сақлаш, қадоқлаш, транспорт харажатлари;

- байрам тадбирлари, банкетлар, тимбилдингларни уюштириш билан боғлиқ харажатлар: худудни байрамона безатиш, фотозоналар ташкил этиш, совғалар сотиб олиш, махсус меню, кўшимча жалб қилинган ходимларга иш ҳақи харажатлари;

- ўқув курслари, кўчма кўргазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, шунингдек телекўрсатувлар ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар: ускуналар, стендлар, экспонатлар учун харажатлар; реклама, буклетлар, матбуот харажатлари; кўшимча жалб қилинган ходимларга иш ҳақи харажатлари;

- фитнес, массаж, сауна, косметологик муолажалар бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар: асбоб-ускуналар, материаллар, ходимларга иш ҳақи харажатлари.

### **Қайтариб бўлмайдиган сарф-харажатлар:**

Веб-сайтни яратиш билан боғлиқ харажатлар (дастурчиларга ҳақ тўлаш), ижтимоий тармоқларда тарқатиш ва маълумотларни янгилаб бориш, реклама, SMM, маркетинг хизматлари харажатлари ва бошқа интернет хизматлар билан боғлиқ харажатлар;

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун лицензия ва рухсатномалар олиш билан боғлиқ харажатлар;

Атроф-муҳитни асраш учун харажатлар;

Инфляция таъсирида сарф-харажатларнинг ортиши;

Форс мажор ҳолатлари, яъни фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган табиий офатлар (зилзила, сув тошқинлари ва бошқалар), ташқи объектив омиллар (эпидемиялар ёки бошқа ҳодисалар) таъсири натижасида вужудга келадиган харажатлар.

Билвосита фойда, лойиҳаларни амалга ошириш давомида тўғридан-тўғри эмас, балки бевосита таъсирлар орқали олинади. Уларни баҳолаш учун бир неча омилларни назарда тутиш зарур:

1. Ижтимоий таъсирлар: Лойиҳа амалга ошириладиган жойда ижтимоий муҳитни яхшилаш, жамоатчилик орасида алоқаларни мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳоли вакиллари билан муносабатларни ўрнатиш;

2. Ўзаро манфаатлар: Мижозларга хизматлар кўрсатиш бўйича талабларини инобатга олган ҳолда яхшилаб бориш;

3. Экологик таъсир: Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш, унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш;

4. Молиявий манфаатлар: Дам олиш масканининг имиджини яхшилаш ва мониторинг қилиб бориш;

5. Таълим ва тажриба: Лойиҳа даврида олинган билимлар ва тажриба, бошқа лойиҳаларда қолдириши мумкин.

Баҳолаш усуллари: Сўровлар: Ижтимоий таъсирини баҳолаш учун мижозларнинг фикрларни олиш.

Бундан ташқари, билвосита фойдани баҳолаш учун ижтимоий ва иқтисодий фойда кўрсаткичларини комплекс услубда баҳо бериш муҳимдир.

**Концепция доирасида лойиҳани ва ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, мавжуд қувватлардан фойдаланиш, шунингдек, хомашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозори конъюнктураси билан узвий боғлиқликда лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги.**

Бўстонлик тумани, Юсуфхона МФЙ ҳудудида “Юсуфхона” ўқув амалиёт маскани қурилишининг иқтисодий самараси.

Юсуфхона МФЙ ҳудудида дам олиш оромгоҳи қуриш нафақат маҳаллий иқтисодиётга, балки Тошкент вилояти ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу жойнинг пойтахтга яқинлиги, табиий ресурслари ва тоғли ҳудуд сифатидаги жозибadorлиги бу ердаги оромгоҳлар салоҳиятини янада оширади. Қуйида бундай лойиҳанинг иқтисодий самараси ва унинг республика иқтисодиётига таъсири таҳлил қилинади.

### 1. Жойлашувнинг стратегик афзаллиги

Юсуфхона МФЙ худуди Тошкент шаҳрига нисбатан яқин жойлашган бўлиб, йўловчилар учун қулай транспорт алоқаларига эга. Бу ерда дам олиш имкониятларига талаб юқори, чунки Тошкентдан келувчи сайёҳлар қисқа вақт ичида тоғли табиатдан баҳраманд бўлиш учун бу худудни танлашга мойил бўлади. Бу афзаллик дам олиш оромгоҳи учун сайёҳлар оқимини тез ва барқарор тарзда таъминлаш имконини беради.

### 2. Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш

Юсуфхона МФЙ худудида маскан қуриш орқали хизмат кўрсатиш соҳасига талаб ошади. Бу меҳмонхоналар, ресторанлар, экскурсия хизматлари, спорт иншоотлари, ҳамда соғломлаштириш марказларини ташкил этиш учун янги имкониятлар яратади. Маскан билан бирга пайдо бўладиган хизматлар маҳаллий аҳолига иш ўринлари яратиш ва иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, Тошкент вилояти иқтисодиётида хизмат кўрсатиш секторининг ривожланиши орқали солиқ тушумлари ҳам ошади.

### 3. Маҳаллий иш ўринлари ва даромад манбалари яратиш

Юсуфхона МФЙ худудида оромгоҳ қуриш маҳаллий аҳоли учун турли соҳаларда иш ўринларини яратиш имконини беради. Бу меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш, туризм ва экскурсия етакчилик қилиш, спорт иншоотларида ёрдам кўрсатиш каби турли соҳаларни ўз ичига олади. Шунингдек, маҳаллий ҳунармандлар ва кичик тадбиркорлар учун ҳам маҳсулот ва хизматларни туристларга таклиф қилиш орқали даромад олиш имконияти яратилади. Бу аҳолининг даромад даражасини оширади ва вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлайди.

### 4. Рақобатбардош туристик худудни яратиш ва солиқ тушумлари

Юсуфхона МФЙ худудида ташкил этиладиган оромгоҳлар юқори сифатли хизматларни таклиф қилиш орқали минтақадаги бошқа дам олиш жойлари билан рақобатлашади. Бу эса маҳаллий иқтисодиётга юқори солиқ тушумларини таъминлайди. Маскан худудида меҳмонхона, ресторан, сауна, спорт ва саломатлик марказлари каби инфратузилмалар қурилиши маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини ошириб, Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

5. Соғломлаштириш ва даволаниш туризмининг ривожлантириш имконияти.

Юсуфхона худуди экология жиҳатдан тоза, тоғ ҳавоси ва табиий ресурслари билан ажралиб туради. Бу оромгоҳ фаолиятини соғломлаштириш ва даволаниш туризми билан бойитиш имконини беради. Балнеология, массаж ва фитнес марказлари, шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш орқали оромгоҳларнинг самарадорлигини ошириш ва туристларни жалб қилиш мумкин. Бу хизмат турлари орқали иқтисодий даромад манбалари кенгайди, ва республика иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатилади.

### 6. Ўзбекистоннинг умумий туристик салоҳиятини ошириш

Юсуфхона МФЙ худудидаги оромгоҳлар Тошкент вилояти ва Ўзбекистон учун ўзини реклама қилиш имкониятини беради. Пойтахтга яқин жойлашган оромгоҳ халқаро туристлар учун Ўзбекистоннинг тоғли худудлари

ва маданий бойликларини намойиш қилиш учун жуда қулай. Бу мамлакатнинг умумий туристик салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Туризм ривожини эса ташқи валюта тушумларини таъминлаб, республика иқтисодиётини рағбатлантиради.

**Хулоса:** Юсуфхона МФЙ ҳудудида “Юсуфхона” ўқув амалиёт маскани қурилиши нафақат Тошкент вилояти, балки Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам кўплаб ижобий таъсир кўрсатади. Туристлик оқим орқали маҳаллий иқтисодиётга солиқ тушумлари, иш ўринлари яратилиши, маҳсулот ва хизматларга талаб ошиши каби омиллар кўпроқ иқтисодий манфаатларни яратиш имконини беради. Шунингдек, соғломлаштириш туризми ва рақобатбардош хизматларнинг кенгайтирилиши орқали республика иқтисодиётини янада юксалтириш мумкин.

“Юсуфхона” ўқув амалиёт маскани ривожлантиришнинг иқтисодий асослари-гўзал табиат имкониятлари воситасида инсоннинг дам олиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга боғлиқ. Дам олиш мумкин бўлган табиат кучоғида тегишли инфратузилма ташкил этилмаса, рекреантларга кўнгилдагидек хордиқ чиқариш имкони бўлмайди. Рекреация инфратузилмаси–бу дам олиш объектлари (санатория, курорт, пансионат ва б.) га транспорт коммуникациялари, электр тармоқлари туташтирилган бўлиши лозим. Дам олиш объектида мумкин бўлган спорт майдонлари ва жиҳозлари, оромгоҳ манзаралари дарахтзорлар билан банд бўлиши, емакхона, автотранспорт учун махсус жойлар ва хордиқ чиқариш учун бошқа зарурий имкониятлар бўлиши лозим. Дам олувчиларни табиат пейзажи, таровати, хушманзаралиги лол қолдириши керак, тоза ҳаво, сув, сархил мевалар, энг зарурий омилларки, уларнинг бисёрлиги инсонни кўнгилдагидек хордиқ чиқариши учун асос бўлади.

## **2. Молия бўлими**

### **Лойиҳани амалга ошириш ва молиялаштириш даври**

Лойиҳанинг дастлабки қиймати **31 301 148,3** минг сўмни ташкил қилади. Лойиҳани молиялаштириш манбаси - хусусий шерикнинг ўз маблағлари, ҳомийлик маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ташқи манбалар бўлиши мумкин. Лойиҳани молиялаштириш манбаси сифатида бюджет маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмаган. Лойиҳани амалга ошириш учун, хусусий шерикнинг натижаларида корхонанинг ликвидлиги ва рентабеллиги кўриниши керак. Бунга қўшимча қилган ҳолда, корхонанинг режаларида дам олиш маскани соҳасидаги хизматларга бўлган талабни қондириш асосий вазифа сифатида кўрилиши керак.

## ЛОЙИХА БИРЛАМЧИ КИЙМАТИ

минг сўм

Номи	Ўз маблағлари	Давлат бюджети ҳисобидан	Жами	Структура, %
Курилиш, таъмирлаш	27 512 500,00	0,00	27 512 500,00	86,9%
Жихозлаш	2 862 500,00	0,00	2 862 500,00	12,8%
<b>Жами асосий активлар</b>	<b>30 375 000,00</b>	<b>0,00</b>	<b>30 375 000,00</b>	<b>99,7%</b>
<b>Молиявий харажатлари:</b>	<b>926 148,00</b>	<b>0,00</b>	<b>926 148,00</b>	<b>0,9%</b>
Лойихани ишлаб чиқиш смета харажатлари	822 648,00	0,00	822 648,00	0,3%
Қуриш билан боғлиқ бўлган рухсатномалар олиш харажатлари	39 403,00	0,00	39 403,00	0,0%
Лойихани ташкил қилиш харажатлар	64 097,00	0,00	64 097,00	0,0%
<b>Жами бирламчи лойиха киймати</b>	<b>31 301 148,00</b>	<b>0,00</b>	<b>31 301 148,00</b>	<b>100%</b>

Ушбу лойихани амалга ошириш учун 3 йил давомида **31 301 148,3** минг минг сўм миқдорида пул маблағларини жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Хусусий шерик билан тузилаётган битим муддати 30 йилни ташкил қилади.

**Ишлаб чиқариш харажатлари (эксплуатация харажатлари) ҳисоб-китоби** Умумий эксплуатация харажатлари 1 578 980,09 минг сўмни ташкил қилади. Ушбу маблағнинг асосий қисми 100 фоизи ёки 1 578 980,09 минг сўми хусусий шерик бўлишга талабгор томонидан қопланади. Лойиха тўлиқ қувватда ишласа, унинг бир йиллик умумий харажатлари 1,6 млрд. сўмни ташкил қилади.

### Харажатлар таркиби қуйидаги жадвалда кўрсатилган

минг сўм

МЧЖ	Жами киймати	Доимий харажат %	Ўзгарувчи харажат %	Доимий харажат киймати	Ўзгарувчи харажат киймат
Асосий харажатлари	937 800,00	100	0	937 800,00	0,00
Коммунал туловлар	280 756,25	25	75	70 189,06	210 567,19
Ойлик иш хаки ТТЖ ходимлар	73 407,00	100	0	73 407,00	0,00
Ижтимоий туловлар	8 808,84	100	0	8 808,84	0,00
Ойлик иш хаки қўшимча фаолият ходимлари	182 400,00	100	0	182 400,00	0,00
Ижтимоий туловлар	21 888,00	100	0	21 888,00	0,00
Маъмурият ойлик	66 000,00	100	0	66 000,00	0,00
Ижтимоий туловлар	7 920,00	100	0	7 920,00	0,00
<b>Жами</b>	<b>1 578 980,09</b>			<b>1 368 412,90</b>	<b>210 567,19</b>

Лойиха тўлиқ қувватда ишга тушганидан сўнг асосий фаолиятдан (мехмонхона ва бошқа турдаги хизматлари билан таъминлаш) дан йилик **840 000,00** минг сўм, Қўшимча фаолиятдан (очиқ майдонда 2 дона футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, тренажорлар (воркаут зона), ташқи сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини хизматлари, 200 ўринли кафе (овқатланиш хизматлари), Маиший хизматлар, IT хизматлари) эса **2 498 400,00** минг сўмдан даромад олиш кўзда тутилган бўлиб, кўйдаги жадвалда асосий ва қўшимча фаолият даромадлари кўрсатилган.

### Хизмат курсатиш қуввати

минг сўм

Хизматларнинг номи	Даромад, 1 кун	Даромад, 1 ой	Даромад, 12 ой
<b>Асосий фаолият</b>			
мехмонхона ва бошқа турдаги хизматлари билан таъминлаш (жами), шундан:			
мехмонхона ва бошқа турдаги хизматлари билан таъминлаш	х	70 000,0	840 000,0
<b>Жами асосий фаолият</b>		<b>70 000,0</b>	<b>840 000,0</b>
<b>Қўшимча фаолият</b>			
2 дона футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, очиқ майдонда тренажорлар, ташқи сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини хизматлари	х	15000	1 800 000,0
200 ўринли Кафе (овқатланиш хизматлари)	5 000	110000	1 320 000,0
Маиший хизматлар*	300	6600	79 200,0
IT хизматлари**	300	6600	79 200,0
<b>Жами қўшимча фаолият</b>	<b>7 200</b>	<b>173 400</b>	<b>1 734 000</b>
Маиший хизматлар* - Кир ювиш, дазмоллаш			
IT хизматлари** - Internet хизматлари, ксерокс, канц.товар, техник таъмирлаш ва бошқалар			

### Асосий ва қўшимча фаолият учун керак бўладиган материаллар

минг сўм

Номи	Бир ойда, ўртача	Йиллик нарни,	Давлат бюджетидан қоплаб бериладиган қисми 50%
<b>Асосий фаолият</b>			
Умумий фойдаланиш хоналарини тоза сақлаш учун тозаловчи воситалар	500,00	5 000,00	
Умумий фойдаланиш хоналарини жиҳозларни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмларини алмаштириш	1 000,00	10 000,00	
Умумий фойдаланиш жойлари ва хоналарни гигиеник воситалар билан ишлов бериш	500,00	5 000,00	
Бино ва хоналарни сақлаш харажатлари		350 000,00	



<b>Қўшимча фаолият</b>			
Спорт зал ва фитнес фаолиятини амалга ошириш учун харажатлар (даромаддан 20% миқдорида)	3 000,00	30 000,00	
Ошхона фаолияти харажатлари (даромаддан 50% миқдорида)	66 000,00	660 000,00	
Маиший хизмат кўрсатиш харажатлари (даромаддан 20 % миқдорида)	2 640,00	26 400,00	
IT хизматлари харажатлари (даромаддан 20 % миқдорида)	2 640,00	26 400,00	
<b>ЖАМИ</b>		<b>1 112 800,00</b>	

**Ёрдамчи материаллар, коммунал харажатлар, тулик кувватда (минг сўм)**

МЧЖ	Улчов бирлиги	Йиллик кувват	Улчов бирлигига нарх	Йиллик киймат,
Электрэнергия	Квт. соат	90 000	900	81 000 000
Сув	Куб.м.	20 000	3 200	64 000 000
Газ	Куб.м.	36 000	1 980	71 280 000
Оқова	Куб.м.	40 000	1 600	64 000 000
Маиший чиқинди	Куб.м.	63,5	7 500	476 250
<b>Жами</b>				<b>280 756 250</b>

**ИШ ҲАКИ ХИСОБИ**

МЧЖ	Сони	Ойлик иш хаки	Йиллик ОИХ фонди	Давлат бюджетидан қоплаб бериладиган 50 %
<b>Асосий фаолият</b>				
Мудир	1	1 441,00	17 292,00	
Комендант	1	1 235,00	14 820,00	
Фаррош	4	821,00	39 408,00	
Хўжалик мудирлари	1	1 235,00	14 820,00	
Хўжалик бекаси (кастелянша)	1	1 235,00	14 820,00	
Паспортис	0,5	1 041,00	6 246,00	
Қоравул	4	821,00	39 408,00	
Асосий фаолият	12,5	7 829,00	146 814,00	
Ижтимоий тўлов 12%		939,48	17 617,68	
Асосий фаолият жами иш ҳаки харажатлари		8 768,48	164 431,68	
<b>Қўшимча фаолият</b>				
Фитнес клуб ходимлари	1	1 500,00	18 000,00	
Ошпаз	2	2 000,00	48 000,00	
Ёрдамчи ошпаз	2	1 500,00	36 000,00	
Ошхона хизматчилари	4	1 000,00	48 000,00	
IT хизматлари ходимлари	1	1 500,00	18 000,00	
Маиший хизмат ходимлари	1	1 200,00	14 400,00	

Қўшимча фаолият жами	11	8 700,00	182 400,00	
Ижтимоий тўлов 12%		1 044,00	21 888,00	
Қўшимча фаолият жами иш ҳақи харажатлари		9 744,00	204 288,00	
<b>Маъмурият</b>				
Директор	1	3 000,00	36 000,00	
Бош хисобчи / кассир	1	2 500,00	30 000,00	
Маъмурият жами	2	5 500,00	66 000,00	
Ижтимоий тўлов 12%		660,00	7 920,00	
Қўшимча фаолият жами иш ҳақи харажатлари		6 160,00	73 920,00	
<b>УМУМИЙ</b>				
Иш ҳақи жами	25,5	22 029,00	395 214,00	73 407,00
Ижтимоий тўлов 12%		2 643,48	47 425,68	8 808,84
Умумий иш ҳақи харажатлари		<b>24 672,48</b>	<b>442 639,68</b>	<b>82 215,84</b>

Коммунал тўлов турлари номи	Улчов бирлиги	Йиллик куват	Улчов бирлигига нарх, минг сумда	Йиллик киймат, минг сўм
ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ	Квт. соат	90 000	900	81 000 000
СУВ	Куб.м.	20 000	3 200	64 000 000
ГАЗ	Куб.м.	36 000	1 980	71 280 000
ОҚОВА	Куб.м.	40 000	1 600	64 000 000
МАИШИЙ ЧИҚИНДИ	Куб.м.	63,5	7 500	476 250
<b>ЖАМИ</b>				<b>280 756 250</b>
Давлат бюджетидан қўплаб бериладиган қисми				

### **ЙИЛЛИК СОТИЛГАН МАХСУЛОТ ВА ХИЗМАТ КИЙМАТИ, минг сўм**

МЧЖ	Жами киймати, минг сўм
Асосий харажатлари	937 800,00
Коммунал туловлар	280 756,25
Ойлик иш ҳақи ТТЖ ходимлар	73 407,00
Ижтимоий туловлар	8 808,84
Ойлик иш ҳақи қўшимча фаолият ходимлари	182 400,00
Ижтимоий туловлар	21 888,00
Маъмурият ойлик	66 000,00
Ижтимоий туловлар	7 920,00
Жами	1 578 980,09
МЧЖ	Жами киймати,
Асосий харажатлари	937 800,00

**NPV, IRR  
ХИСОБЛАШ**

**ЛОЙИХАНИНГ КАЙТАРИЛИШИ**

Муддати	Пул оками	Дисконт ставкаси	NPV	IRR
0 йил	(31 301 148,00)	2%		
1 йил	1 739 546,2	2%	(29 561 601,80)	-93,6%
2 йил	1 739 546,2	2%	(27 822 055,60)	-71,3%
3 йил	1 739 546,2	2%	(26 082 509,40)	-52,2%
4 йил	1 739 546,2	2%	(24 342 963,20)	-38,6%
5 йил	1 739 546,2	2%	(22 603 417,00)	-29,0%
6 йил	1 739 546,2	2%	(20 863 870,80)	-22,0%
7 йил	1 739 546,2	2%	(19 124 324,60)	-16,8%
8 йил	1 739 546,2	2%	(17 384 778,40)	-12,9%
9 йил	1 739 546,2	2%	(15 645 232,20)	-9,8%
10 йил	1 739 546,2	2%	(13 905 686,00)	-7,4%
11 йил	1 739 546,2	2%	(12 166 139,80)	-5,4%
12 йил	1 739 546,2	2%	(10 426 593,60)	-3,8%
13 йил	1 739 546,2	2%	(8 687 047,40)	-2,5%
14 йил	1 739 546,2	2%	(6 947 501,20)	-1,4%
15 йил	1 739 546,2	2%	(5 207 955,00)	-0,5%
16 йил	1 739 546,2	2%	(3 468 408,80)	0,3%
17 йил	1 739 546,2	2%	(1 728 862,60)	1,0%
18 йил	1 739 546,2	2%	10 683,60	1,5%
19 йил	1 739 546,2	2%	1 750 229,80	2,0%
20 йил	1 739 546,2	2%	3 489 776,00	2,5%
21 йил	1 739 546,2	2%	5 229 322,20	2,9%
22 йил	1 739 546,2	2%	6 968 868,40	3,2%
23 йил	1 739 546,2	2%	8 708 414,60	3,5%
24 йил	1 739 546,2	2%	10 447 960,80	3,8%
25 йил	1 739 546,2	2%	12 187 507,00	4,0%
26 йил	1 739 546,2	2%	13 927 053,20	4,2%
27 йил	1 739 546,2	2%	15 666 599,40	4,4%
28 йил	1 739 546,2	2%	17 406 145,60	4,6%
29 йил	1 739 546,2	2%	19 145 691,80	4,7%
30 йил	1 739 546,2	2%	20 885 238,00	4,9%
WACC=	E	* re +	D	*rd*(1-t)
	E+D		D+E	
E	Уз.маблаглари *	31 301 148,00		
D	Жалб қилинган капитал *	-		
re	Даромад депозити *	2%		
rd	Жалб қил. кап. фоизи *	20%		
t	Солик *	15%		
Инвестициялар жами				
(1-t)		0,85		
WACC	<b>2,0%</b>			

### **3. Ижтимоий бўлим**

#### **3.1 Лойиҳанинг меҳнат ресурсларига эҳтиёжи ва унинг аҳоли бандлигига таъсири;**

Лойиҳа доирасида юқори малакали мутахассислар жалб қилинади. Шунинг учун «Юсуфхона» ўқув амалиёти масканини ташкил қилиш лойиҳаси доирасида олий маълумотли ишчилар ишга ёлланиши мақсадга мувофиқ.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида 25 та доимий, 50 та мавсумий янги иш ўринлар яратилади.

**Ижтимоий самара:** Бугунги кунда университетда вазирлик ва тизим ташкилотларида **6200 нафар** ҳамда университетнинг **1100 нафар** профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимларни ва **16 874 нафар** талабалар мавжуд. ДХШ асосида янги қуриладиган биноларда **200 ўринли** турар жой ва ўқув амалиёт маркази, дам олиш ва бошқа шароитлар билан таъминланади.

#### **3.2 Ишчилар ва мутахассисларни ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш дастури;**

Юсуфхона ўқув амалиёт маскани учун ишчи ва мутахассисларни ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш дастури ишлаб чиқилади. Бунда, университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан Туризм ва меҳмондўстлик, Бизнесни бошқариш, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, Логистика, Менежмент йўналишлари бўйича ўқув курслари ва семинар-тренинглари ташкил этилади.

Шу сабабли, ишга олинadиган ходимларга талаблар қўйилади. Жумладан, Маъмурият ходимларига қўйилadиган талаблар: энг камида ўрта-маҳсус маълумотнинг мавжудлиги, туризм соҳасида иш тажрибаси ва камида 1 йиллик иш стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши, намунавий шахсий фазилатларга - интеллект, маданият, ҳушмуомалалик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, ахборот технологияларини ҳамда ўзбек ва рус тилларини, хорижий тиллардан (МДХ, давлатлари тилларидан ташқари) бирини мукамал билиши устунлик бериши мумкин).

Маскан томонидан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўқув-малака амалиётлари, аynи ёки ўхшаш фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон ҳудудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш, ўз соҳаси бўйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириш каби ишлар режалаштирилган.

#### **3.3 Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари;**

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги нормалари Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-410-сонли Қонунига асосан қўлланилади.

Талабаларни ўқув амалиётини ташкил этиш ва ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатишда ўқув амалиёт масканида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ва ходимлар зарур техника хавфсизлиги нормаларига амал қилиши керак. Иш берувчи корхона ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва

бандлик вазирлиги томонидан эса ходимларнинг меҳнат муҳофазаси таъминланади.

Техника хавфсизлиги нормалари билан ҳар бир ходим танишиб чиқиши меҳнат жараёнида унга сўзсиз бўйсунishi керак. Ўқув амалиётларини олиб бориш ва хизмат кўрсатиш жараёнидаги техника хавфсизлик қоидалари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) талабалар ва ташриф буюрувчиларни қабул қилиш;
- б) хоналарга жойлаштириш;
- в) санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини белгилаш;
- г) меҳнат шароитлари ва иш ўринлари билан таништириш;
- д) меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режаларини ишлаб чиқиш;
- е) ходимлар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш;
- ё) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали билан танишиш;
- ж) ходимларга ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш;
- з) ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари билан танишиш.

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишлар меҳнат қилувчи ходимлар ва аҳоли учун хавфли таъсир қилиш муддатини камайтириш учун муҳандислик назорати, маъмурий назорат ёки шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўрганиши керак. Бунда муҳандислик назорати бошқаларига нисбатан афзал усул ҳисобланади.

Техник назорат воситаларига қуйидагилар киради:

- 1) хоналарни шамоллатиш;
- 2) ёнғинга қарши воситалардан фойдаланиш;
- 3) технологик изоляция;
- 4) техник операциялар;
- 5) механизациялашган қайта ишлаш ускуналари.

**3.4 Мавжуд қувватлардан фойдаланиш ва уларни оптимал жойлаштириш доирасида лойиҳанинг қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳамда тармоқлар, ҳудудлар бўйича ижтимоий соҳадаги ва «бошқа тармоқлардаги» ривожлантириш концепцияларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда унинг ижтимоий аҳамияти.**

Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудудда маълум бир қатлам ижтимоий гуруҳни иш билан таъминлашга эришилади.

Ушбу лойиҳа доирасида тадбиркорнинг стратегик мақсади бўлиб, Бўстонлик туманидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, шунингдек, келажакда уни янада ривожлантириш ҳисобланади.

Лойиҳани яратиш учун асосий шартлар:

- сиғимли ички истеъмол бозорининг мавжудлиги;
- туманда тадбиркорнинг яхши ишчанлик обрўси;

- ушбу соҳада инқилобий ўзгаришларни қилишга тайёр бўлган ёш,
- умидли, изланувчан жамоанинг борлиги;
- ходимларнинг фаолиятни бошлаш учун тайёргарлиги.

Ташкил қилинадиган фаолиятнинг устувор йўналиши Ўзбекистон Республикасининг кўрсатилаётган хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, давлат шериги ушбу лойиҳани амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқади.

Ўз навбатида, давлат шериги томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотларида жами **6200 нафардан** ортиқ, университетда **1100 нафар** профессор-ўқувчилар, ишчи ходимлар ва **16 874 нафар** талабалар «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини тўлиқ фаолият юритиши учун режа жадвал асосида ҳар йили май-август ойларида 10 фоизи, қолган ойларда 20 фоизи ҳажмида таъминланиб борилади.

#### 4. Маркетинг тадқиқотлари бўлими

##### «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш

##### SWOT таҳлили.

Strengths (кучли томонлари)	Weaknesses (заиф томонлари)
<p>Экологик тоза яшил ҳудуд;            Ноёб табиий-иқлим шароити;            Замонавий дам олиш инфратузилмаси;            Ўқув амалиётини дам олиш ва соғломлаштириш билан биргаликда ташкил этиш имконияти;            Қулай транспорт логистика инфратузилмаси;            Мавжуд туризм ва дам олиш хизматларидан фойдаланиш имкониятлари.</p>	<p>Рақобатчилар жойлашуви яқинлиги;            Мавсумий талаб тебранишлари.</p>
Opportunities (Имкониятлари)	Threats (Таҳдидлари)
<p>Бино-иншоотларни қуриш ва жойлаштириш лойиҳасини табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш;            Мижозлар учун ҳамёнбоп нарх стратегияларини қўллаш;            ОАВлар, сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали фаол маркетинг ва тарғибот ишларини олиб бориш;            Технология ва рақамлаштириш ютуқлардан фойдаланиш;</p>	<p>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нормативлари ва қоидаларига риоя қилиш;            Об-ҳавонинг ўзгариши ва глобал иқлим;            Глобал биохилма-хилликнинг камайиши;            Бино ва иншоотлар ва инфратузилмани сақлаш.</p>

Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда, лойиҳани силжитиш (promotion)да тажрибали мутахассисларни жалб этиш.	
---	--


## «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканининг бозор сегментацияси

Бўстонлик туманида жойлашган 5,4 гектар майдонда давлат хусусий-шериклик асосида «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш концепцияси ва маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган бозор сегментининг прогноз таҳлили.

### Бозор сегментацияси

## Продажи

- Вазирлик ва тизим ташкилотларидан
- Университет профессор-ўқитувчилар, ходимлар
- Университет талабалари
- Республика худудларидан келган меҳмонлар
- Бошқа давлатлардан келган меҳмонлар



Вазирлик ва тизим ташкилотларидан – **600** ходимлар.

Университет профессор-ўқитувчилар ва ходимлар – **300** киши

Тошкент давлат аграр университети талабалари – **1100** киши.

Республика худудларидан келган меҳмонлар - **3300** киши.

Бошқа давлатлардан келган меҳмонлар - **100** киши.

**«Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этишда бозор сегменти таҳлилини ишлаб чиқишдан мақсад:**

Чегараланган ресурслардан ва имкониятлардан қайси йўналишларда фойдаланиш кераклиги аниқланади.

Бозор сегментацияси орқали қайси мақсадли бозор улушини «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш маскани миждозлари) олиш эҳтимоли кўпроқ эканлиги ва шу улушга хизматни етказишнинг энг яхши усулларини аниқлаш орқали хавфни камайтиришга ёрдам беради.

Бозор сегментацияси компаниянинг демографик имкониятларини ҳам ошириши мумкин ва «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканига илгари кўриб чиқилмаган хизматларни топишга ёрдам беради.

Бозор сегментацияси брендни гуруҳга жозибатор тарзда мослаштириш учун истеъмолчиларнинг мақсадли гуруҳларини аниқлашга интилади.

**«Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этишда бозор сегментини ишлаб чиқишга асос бўлувчи кўрсаткичлар:**

**1. Бозорнинг талаб ва таклиф даражаси.** Умумий маълумотлар: Бугунги кунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотларида жами 6200 нафардан ортиқ, университетда 1100 нафар профессор-ўқувчилар, ишчи ходимларни ва 16 874 нафар талабалар контингенти мавжуд.

**«Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш концепциясидаги лойиҳа тузилмаси:**

- семинар-тренинг ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган 1 та 100 ўринли конференс зал, 2 та 30 ўринли, 2 та 50 ўринли ўқув хоналар;

- Мехмонхона 100 ўринли, 100 ўринли талабалар мехмонхонаси (хостил) ва 4 та ҳар бири 5 хонали коттежлар қурилиши;

- спорт комплекси ва болалар майдончаси ташкил этилади;

- очик майдонда 2 дона футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, тренажорлар (воркаут зона), сузиш бассейн соғломлаштириш саунаси;

- кафе ташкил этилади. (200 та ўринли).

**Худудда жойлашган рақобатчи дам олиш масканлари миждозлари сонини (йиллик, мавсум, ой ва ҳафталик) маркетинг кузатув тадқиқотлари асосида:**

Худудда бугунги кунда бир қатор дам олиш масканлари мавжуд (Пирамида мехмонхонаси, Авенуе парк хотел ресорт & спа, “б&б лаке ҳоусе” мехмонхона мажмуаси, “Чарос делух ресорт & спа” мехмонхона ва кўнгилочар мажмуаси, Горняк Пансионати, “Белые Пески” Пляж ва бошқалар.

Худудда демографик, географик, истеъмолчи хулқ-атвори, истеъмолчилар психографик кўрсаткичлари ва бошқа мезонлар асосида ишлаб чиқилди.

**5. Техник-технологик бўлимда лойиҳани амалга оширишнинг турли технологик ечимлари акс этириш, лойиҳа тузилиши, лойиҳа бўйича техник ечимлар, лойиҳанинг ҳал қилувчи кўрсаткичлари, компонентлари, шунингдек, уларнинг ҳисоб-китоб қилинган қийматлари баён қилинди.**

Ушбу лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун ташаббускор билан битим имзолангандан сўнг:



2024-2025 йиллар давомида. 2024 йил IV чорақда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома олиш, Архитектура-режалаштириш топшириғини (АПЗ-1) ишлаб чиқиш. 2024 йил IV чорақ – 2025 йил I чорақ - лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, ерларни қурилиш учун тайёрлаш. 2025 йил I-II-III-IV чорақларида бинони қурилиш ишлари якунлаш;

2025-йил IV чорақда бино ва хоналарни жиҳозлаш ишларини амалга ошириш, фаолиятни бошлаш;

Лойиҳа доирасида талабалар турар жойи биносини қуриш учун лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган;

200 нафар туристлар, вазирлик тизим ташкилотлар ходимлари, университет профессор-ўқувчилар, талаба ёшларган мўлжалланган ётоқ-жой ва бошқа бинолар 1,2,5 қаватлардан иборат бўлиб, Қурилиш вазирлиги томонидан барпо этишда тавсия этилган нормаларга мувофиқ бино-иншоотлар қуриш ҳамда жиҳозланиш фойдаланишга топширилади;

- 1 та 100 ўринли мехмонхона биносини, 1 та 100 ўринли талабалар ётоқхонаси (ҳостил) ва 4 та ҳар бири 5 хонали коттежлар қуриш;

- Семинар-тренинг ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун 1 та 100 ўринли конференц зал, 2 та 30 ўринли, 2 та 50 ўринли ўқув хоналар қуриш;

- интенсив технологиялар асосида 0,5 гектар боғ, 0,5 гектар токзор ва 10 сотихлик майдонда иссиқхона борпо қилиш;

- очик майдонда 2 дона футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, тренажорлар (воркаут зона), сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини қуриш;

- овқатланиш ва бошқа тадбирларини ўтказишга мўлжалланган 200 ўринли кафе қуриш;

Юқорида кўрсатиладиган таълим хизматларга асосан ётоқ-жой учун зарур мебель ва жиҳозлар, умумий фойдаланиш хоналари учун инвентарлар ва бошқа турли хилдаги товар моддий бойликлар зарур бўлади.

### Ёрдамчи материаллар, коммунал харажатлар, тўлик кувватда

*минг сумда*

Коммунал тўлов турлари номи	Улчов бирлиги	Йиллик кувват	Улчов бирлигига нарх,	Йиллик киймат
Электроэнергия	Квт. соат	90 000	900	81 000 000
Сув	Куб.м.	20 000	3 200	64 000 000
Газ	Куб.м.	36 000	1 980	71 280 000
Оқова	Куб.м.	40 000	1 600	64 000 000
Маиший чикинди	Куб.м.	63,5	7 500	476 250
<b>ЖАМИ</b>				<b>280 756 250</b>

## **6. Экологик бўлимда**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 22 августдаги «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги 464-сонли қарорига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилиниши шарт.

Шунингдек зарур бўлган тақдирда лойиҳа ҳужжатлари бўйича экологик экспертиза ҳулосаси олинсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981 сонли қарори билан белгиланган тартибга қатий риоя этилсин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон. “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф- муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонида инсон саломатлиги учун қулай шароитлар яратиш, экологик мувозанатни сақлаш, табиатни талон-тарож қилмасдан оқилона фойдаланиш инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида замонавий экологик нейтрал технологияларни қўллашни талаб этади. Экологик хавфсизликни эътиборга олган ҳолда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ошириш, захарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг ошқаралик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш назарда тутилган бўлади.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

**Атроф-муҳитга таъсири, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувларни камайтириш чоралари.**

Чиқиндиларни камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга эҳтиёж йўқ, чиқиндиларни мавжуд хавфсиз даражада ушлаб туриш учун лойиҳада (технологик ускуналар) назарда тутилган ускуналарнинг ишлаш шартларига риоя қилиш кифоя. Чангнинг ифлосланишини камайтириш, ўзига хос ҳидларни камайтириш учун маскан атрофида, шунингдек қўшни кўчаларда манзарали ва мевали дарахтларнинг яшил майдонлари экилган бўлиши керак.

Бундан ташқари, дам олиш масканида қуйидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари кўзда тутилиши керак. қайта ишланган ва қайта сув таъминоти тизимларида оқова сувларни тозалаш воситаларидан максимал даражада фойдаланиш орқали сув истеъмоли ва сувни оқизишни камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрсатилади. Доимий ифлосланиш билан тавсифланадиган биноларда оқова сувлари мажбурий зарарсизлантирилиши керак.

Ҳудудни мунтазам равишда иш куни давомида, йилнинг иссиқ даврида мажбурий кунлик суғориш билан тозалаш; кишда, ҳудуд мунтазам равишда қор ва муздан тозаланади.

**Сув манбаларини муҳофаза қилиш чоралари**

Ифлосланишни, ер усти ва ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва олдини олиш, коррозияга чидамли ускуналар, арматура ва қувурларни қўллаш.

Канализация ва сув қудуқлари, камералар ва сиғимли иншоотлар учун гидроизоляция қўлланилади.

Ер усти ва ер ости сувларига салбий таъсир кўрсатмаслик учун сув таъминоти тармоғининг маҳкамлигини қатъий назорат қилиш кифоя.

**Чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, тозалаш ва зарарсизлантиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари.**

Маиший чиқиндиларни оқилона йиғиш ва сақлаш учун лойиҳа такомиллаштирилган қопламалар билан жиҳозланган ва махсус идишлар билан жиҳозланган алоҳида платформани (маиший чиқиндиларнинг металл ёки пластик тўпланлари) таъминлаши керак, уларнинг умумий миқдори ва ҳажми 7 кун давомида тўпланган маиший ахлат ҳажмидан кам бўлмаслиги керак, шунингдек унинг ўз вақтида олиб чиқилишини назорат қилиш керак.

Чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва ташиш усуллари атрофдаги худудни, аҳоли пунктларининг тупроғини ифлослантириш имкониятини истисно қилиши, чиқиндиларини тозалаш ва зарарсизлантириш ишларининг барча босқичларида ишлайдиган ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак. Ахлат йиғиш учун асфалт билан қопланган майдонга металл идишларни ўрнатинг. Ахлат қабул қилувчилар ва ҳовли ҳожатхоналари омборхоналардан 25 м масофада жойлашган бўлиб, улар тўлдирилганда идишнинг 2/3 қисмидан кўп бўлмаган миқдорда тозаланади. Ҳожатхоналарни тоза тутинг ва ҳар куни дезинфекция қилинг. Қутилардан ахлат ва чиқиндиларни олиб ташлаш ҳар куни амалга оширилади, сўнгра ахлат қутилари дезинфекция қилинади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш қатъиян ман этилади.

**Тупроққа зарарли таъсирни камайтириш чоралари**

Тупроқ қопламанинг ифлосланишини ҳимоя қилиш ва олдини олиш учун объектнинг жойлашуви тупроқ ва табиатни муҳофаза қилиш учун лойиҳада бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак.

Уй ахлатини йиғиш учун мўлжалланган металл идишларни жойлаштириш учун ажратилган майдонни бетонлаш керак. Ҳосил бўлган лойни тозалаш иншоотлари ва сақлаш идишларининг маҳкамлигини кузатиб бориш. Транспорт ҳаракати фақат ўсимлик ва тупроқ қопламанинг бузилишига олиб келмайдиган хавфсиз ҳаракатни таъминлайдиган махсус қурилган йўлларда амалга оширилиши керак.

**Экологик талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқ**

Турар жой бинолари, дам олиш масканлари, ўқув биноларини қуришда, қўйиладиган талабларни қуйидагилар ташкил қилади

Бинолар қурилаётганда табиий муҳитга зарар бермасдан қурилиши, ўсимликлар ва ҳайвонларга, айниқса неча йиллик дарахтларни кесмаслик, иложи борича биологик ресурсларни сақлаб қолиш, худудда уларнинг табиий ҳолатини сақлаб қолишга эришиш лозим.

Тоғли худуд бўлганлиги учун у ерларда инсонларнинг хавфсиз ҳаракатланиб дам олишлари, ўқув машғулотларини олиб боришлари турли тадбирларни уюштиришлари учун рельефнинг қиялигини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Дам олиш масканлари, ўқув бинолари ва бошқа инфратузилмаларни қуришда, қуйидагиларга эътибор берилади:

- бинолар қурилатганда табиий муҳитга зарар бермасдан қурилиши, ўсимликлар ва ҳайвонларга, айниқса неча йиллик дарахтларни кесмаслик, биологик ресурсларни сақлаб қолиш, ҳудудда уларнинг табиий ҳолатини сақлаб қолишга эришилади;

- “Юсуфхона” ўқув амалиёт маскани ҳудудда **0,5 гектар** интенсив боғ, **0,5 гектар** токзор ва бино атрофлари, йўлаклар ва боғларни замонавий дизайн-ландшафт лойиҳаси асосида янги кўчатлар экилиши таъминланади;

- Яшил макон лойиҳаси доирасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида табиатга ва биохилма-хилликка мухаббатини ошириш мақсадида экология боғи ташкил этилади.

Шунингдек, Ўқув амалиёти масканида университет талабаларини малакасини ошириш бўйича қуйдаги йўналишлар бўйича ўқув курслар ташкил этилади:

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экотуризм;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган экотуризм;
- бузилган табиат мажмуалари ва тизимларни қайта тиклашга қаратилган экотуризм;

- ўсимликлар оламида айниқса эндем турларнинг мавжудлиги аниқланса, шу билан бирга йўқолиб бораётган ноёб турлар мавжуд бўлса уларни сақлаб қолишга қаратилган экотуризм;

- ҳудудда муҳофаза қилинадиган ҳудудларни асраш улардан оқилона фойдаланишни тўғри ташкил этиш каби экотурларни ташкил этиш катта аҳамият берилади.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида атроф-муҳитга таъсирини узлуксиз баҳолаб бориш мақсадида, шу билан биргаликда дам олувчилар ва илмий-тадқиқот, амалиёт олиб борувчиларга атроф-муҳитда иқлим параметрларини қайд қилиб бориш учун ушбу ҳудудда (16x16м ёки 26x16м) ўлчамли метеорологик майдонга ўрнатиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

### **Ҳудудда экотуризмни ривожлантириш имкониятлари.**

Юсуфхона МФЙ ҳудудида туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб унинг салоҳиятли имкониятлари ҳам бор. Бу имкониятлар қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ жойларда жойлашиш ва овқатланишнинг шаҳардагига нисбатан 2–2,5 маротаба арзонлиги;

- қишлоқ жойларининг экологик жиҳатдан тозаллиги;

- экологик тоза озиқ-овқат турларининг мавжудлиги;

- халқимизнинг қадимий миллий меросининг сақланиб қолганлиги;

- жозибадор туристик ресурслар, миллий белгилар, хусусиятга бой бўлган хизмат турларининг кўплиги ва ранг-баранглиги ва бошқалар;

- миллий мерос маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг сақланиб қолганлиги (миллий ҳунармандчилик, устачилик маҳсулотлари ва бошқ.);

- қишлоқ хўжалик - агротуризм ресурслари – мевали боғлар, деҳқончилик, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, полизчилик, қишлоқнинг ўзига хос кўриниши ва қурилиши;

- диний - зиёрат туризми ресурслари - муқаддас қадамжолар, азиз-авлиёларнинг қабрлари, шифобахш булоқлар, турли диний маросимлар;

- экотуризм ресурслари – қишлоқ жойларнинг ватанимизнинг барча табиий-географик минтақаларида (тоғ, тоғ олди, адир, сув ҳавзалари) жойлашганлиги;

- рекреация ва соғломлаштириш туризм ресурслари – пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар, минерал сувлар, бетакрор гўшалар, булоқлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, шаршаралар, дарё соҳиллари;

- қишлоқ фермерлари иш тартиби ва ҳаёт тарзи – қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сақлаш, ем-хашак тайёрлаш маҳсулотларини етиштириш ва сотиш;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экотуризм;

- табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган экотуризм;

- бузилган табиат мажмуалари ва тизимларни қайта тиклашга қаратилган экотуризмарни ташкил этиш;

- ўсимликлар оламида айниқса эндем турларнинг мавжудлиги аниқланса, шу билан бирга йўқолиб бораётган ноёб турлар мавжуд бўлса уларни сақлаб қолишга қаратилган экотуризм.

**Хулоса:** “Юсуфхона” ўқув амалиёт масканида қуриладиган бинолар қайси мақсадда ишлатилишига қараб, маълум бир экологик талабларга жавоб беради. Қурилаётган бино табиий муҳитга зарар бермасдан қурилиши, ўсимликлар ва ҳайвонларга, айниқса неча йиллик дарахтларни кесмаслик, биологик ресурсларни сақлаб қолиш, ҳудудда уларнинг табиий ҳолатини сақлаб қолишга эришилади, бу лойиҳа атроф-муҳитга умуман салбий таъсир қилмайди.

**7. Институционал бўлимда** лойиҳанинг амалга ошириш даври давомида уни **бошқариш схемасини** ўз ичига олган бўлиши ҳамда **ҳуқуқий асослар, бошқарув тузилмаси** ва молиявий харажатлар баҳоси тасвирланиши лозим. Лойиҳани амалга оширишда **иштирок этувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги**, харажатлар, фойда ва мажбуриятлар тақсимоли, шунингдек, институционал хавф-хатарлар ва хатарларни камайтириш бўйича кўзда тутилган тадбирлар.

**Лойиҳа - бу** аниқ вақт ичида ва аниқ белгиланган мақсадларга эга бўлган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган вақт ичида ва белгиланган бюджет доирасида ўзаро боғлиқ ҳаракатлар мажмуидир.

1) Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи тарафлар сифатида **давлат шериги ва хусусий шерик** ҳисобланади. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадини кўзлайди.

**Лойиҳа бошқарувчиси:** Лойиҳани бошқариш учун масъул бўлган лойиҳа раҳбари (лойиҳани режалаштириш, амалга ошириш ва ёпиш).

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг** давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш ишчи гуруҳи лойиҳани кўриб чиқади ва амалга оширишга қарор қилади.

Хусусий шерик мавжуд ва содир бўлиши мумкин бўлган рискларни ўз бўйнига олган ҳолда лойиҳага ўз инвестицияларини жалб қилади. Лойиҳа ишга туширилгандан кейин харажатлар, фойда ва мажбуриятлар хусусий шерик аъзолари ўртасида тақсимланади.

Давлат-хусусий шериклик объекти жойлашган ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган, давлат шеригига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари ёки уларнинг бир қисми давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддатга ва шартлар асосида ижарага берилади. Давлат шеригининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган доимий фойдаланишдаги ер участкаси мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай ер участкаси давлат шеригига унинг мурожаатига кўра доимий фойдаланиш учун берилади ҳамда давлат шериги уни хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддатга ва шартлар асосида ижарага беради.

Давлат шериги томонидан хусусий шерикка ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилган миқдорда ҳисобланади. Ижара ҳақини ҳисоблашда ер солиғига доир имтиёзлар инобатга олинади.

Давлат шериги томонидан хусусий шерикка ер участкасини ижарага беришга доир мажбуриятнинг бажарилмаганлиги хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бир томонлама бекор қилиш учун асос бўлади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тугатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун берилган ер участкасининг ижарасига нисбатан шартномавий муносабатларни тугатиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (30.04.1998 йил)нинг **24<sup>1</sup>-моддасида Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларининг ижараси кўрсатилган:**

Давлат органлари, муассасалари ва корхоналарига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши мумкин. Бунда қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга ўттиз йил муддатга, ушбу Кодекснинг 46<sup>1</sup>-моддасида белгиланган ўлчамларда ижарага берилиши мумкин.

**давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига — хусусий шерикка;**

Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **2) Лойиҳанинг ҳуқуқий асослари сифатида қуйидаги манбаларни кўрсатиш мумкин:**

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (10.05.2019 йил ЎРҚ-537-сон).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 июлдаги “Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-216-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори ҳамда 2021 йил 11 августдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 509-сон қарори.

**8. Архитектура-қурилиш бўлимида** қурилиш майдони (трассаси)нинг шаҳарсозлик талаблари, туманни режалаштириш лойиҳалари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларига мувофиқ ҳолда жойлаштириш схемалари, тармоқлар, темир ва автомобиль йўллари, нефть ва газ қувурлари, энергия тизимлари, алоқа тармоқларини инобатга олган ҳолда, ҳудудни архитектура-режалаштириш лойиҳаларининг баёни акс эттирилади.

Лойиҳани амалга ошириш давомида Тошкент давлат аграр университетига қарашли Бўстонлик туманида жойлашган 5,4 гектар майдонда давлат хусусий-шериклик асосида «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш давлат-хусусий шериклик асосида:

- 1 та 100 ўринли мехмонхона биносини, 1 та 100 ўринли талабалар ётоқхонаси (хостил) ва 4 та ҳар бири 5 хонали коттежлар қуриш;
- семинар-тренинг ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун 1 та 100 ўринли конференц зал, 2 та 30 ўринли, 2 та 50 ўринли ўқув хоналар қуриш;
- интенсив технологиялар асосида 0,5 гектар боғ, 0,5 гектар тоқзор ва 10 сотихлик майдонда иссиқхона борпо қилиш;
- очиқ майдонда 2 та футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, тренажорлар (воркаут зона), сузиш бассейн ва соғломлаштириш саунасини қуриш;
- овқатланиш ва бошқа тадбирларини ўтказишга мўлжалланган 200 та ўринли кафе қуриш.

Биноларни жиҳозлаш ва бинодан фойдаланишни ташкил этиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳа доирасида барпо этиладиган бино ва иншоотлар шаҳарсозлик нормаларига қарши амал қилган ҳолда қурилади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Архитектура-режалаштириш топшириғини (АПЗ-2) ишлаб чиқиш,

Ҳудуддаги газ, ичимлик ва оқава сув, электр энергия, тизимлари бўйича техник шартларни ошириш. Геология хулосасига асосан биноларни қуриш.

Лойиҳа смета ҳисоб-китобларига кўра, бинони қуриш ва жиҳозлаш учун жами **31 301 148,3 минг сўм** маблағ талаб этилади.

# Лойиха жойлашган жой



### Технико-экономические показатели (ТЭП)

1. КПП.
2. Воркгаут.
3. Гостиница.
4. Информационный ресурсный центр.
5. Открытый бассейн.
6. Ресторан.
7. Коттедж.
8. Мини стадион.
9. Теннисный корт.
10. Хостел на 100 коек (из сэндвича)
11. Трагуар.
12. Дорога.
13. Интенсивный сад.
14. Теплица

- УСЛОВНЫЕ ОБОЗНАЧЕНИЯ ИЛК**
- В-10— Водопроводные сети
  - В-15— Канализационные сети
  - В-20— Газопроводные сети
  - В-25— Теплотрассы
  - В-30— Кабель высокого напряжения
  - В-35— Кабель среднего напряжения
  - В-40— Кабель связи
  - В-45— Кабель ЭВМ

1. Согласно Закону "Об авторском праве и смежных правах" истинный авторский продукт не подлежит передаче или материальной копированию, тиражированию, воспроизведению и передаче в третьи лица без согласования с правообладателем и его согласием. Автор несет за собой полное и ответственности в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.  
 2. Передача настоящего продукта немедленно. Республика Узбекистан осуществляется исключительно с одобрения Комитета Республики Узбекистан в городе, установленном в соответствии с законодательством.  
 3. Производитель не несет ответственности за любые действия, связанные с использованием настоящего продукта.

Имя	Пос.	Ф.И.О.	Подпись	Заказчик	Ташкент Давлат Аграр университети
Директор		Ойбек И.И.		Топонимический кабинет на объект	
				Лист 1	
Топоним	Лист	Зарифон С.		ДТУСБОП 00382325	Листов 1
Министр	Лист	С.И.Исмаилов		Топографическая съемка	ООС"LOYIHA GEOLOGIYA ILMIY TADQIQOT BYUROSI"
Землеустроитель	Лист	С.П.Насибуллоев		Масштаб 1:500	Сист. координат: Местная
Куратор	Лист	Ибрагимов О.В.		Сист. высот: Местная	Тел: (012) 04 00-02
				Степень рельефа: через 0,5 м	г.Ташкент 20.09.2024г.






## Куриладиган бино лойихаси









**9. ДХШ тўғрисидаги битимнинг тузилмаси бўлимида** қўллаш мумкин бўлган ДХШ моделлари учун вариантларни баҳолаш, тўлов механизми ва давлат даромадларини қўллаб-қувватлаш зарурати кўрсатилади.

Капитал харажатлар, фойдаланиш харажатлари ва молиялаштириш харажатларини қамраб оладиган молиявий моделни ишлаб чиқиш орқали ДХШ лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини текшириш талаб этилади. Молиявий модел тахминларни ўз ичига олиши ва асосий ўзгарувчан сценарийларни таҳлил қилиш учун функционал имкониятларни таъминлаши керак...

**давлат-хусусий шериклик** - давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

**давлат-хусусий шериклик лойиҳаси** - иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

**давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси** - давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун танловни асослаб берадиган, лойиҳанинг қийматини, лойиҳани молиялаштириш манбаини ҳамда рентабеллигини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини ўз ичига олган ҳужжат;

**давлат-хусусий шериклик объекти** - лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, эксплуатация қилиниши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

**давлат шериги** - Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари;

**концессия** - давлат-хусусий шерикликнинг шаклларида бири бўлиб, бунда давлат хусусий шерикка концессия шартномасида назарда тутилган хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун рухсатнома берган ҳолда мол-мулкни ва ер участкаларини тақдим этади;

**махсус лойиҳалаштириш компанияси** - тендер ёлиби, захирадаги ёлиб, хусусий ташаббускор ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси томонидан фақат давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган юридик шахс;

**талабгор** - давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ва тендерда иштирок этишдан манфаатдор бўлган, Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси;

**хусусий шерик** - Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси.

**Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:**

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;  
давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;

хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;  
камситишга йўл қўймаслик;  
коррупцияга йўл қўймаслик.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари:**

Давлат шериги ва хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ҳисобланади.

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш:**

Давлат шериги тендер ёлиби, тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан ушбу Қонуннинг [17](#), [21](#) ва [25-моддаларига](#) мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати:**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати **уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирқ тўққиз йилдан ошмаслиги керак.**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафлари битимнинг амал қилиш муддатини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган ҳолларда ва шартлар асосида, ушбу модданинг [биринчи қисмида](#) белгиланган муддатлар доирасида узайтириш ёки қисқартириш ҳақида келишиб олиши мумкин.

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш:**

Агар қонунчиликда ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суднинг қарорига биноан ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки у бекор қилиниши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий

шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартиш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда давлат шериги ва хусусий шерик томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра амалга оширилади.

**Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик:**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 1-иловасида ДХШ лойиҳасининг намунавий концепцияси тасдиқланган.

## **10. Лойиҳани амалга ошириш режаси бўлимида**

### **Лойиҳани амалга ошириш давомида:**

Биринчи навбатда Тошкент давлат аграр университетига қарашли Бўстонлик туманида жойлашган 5,4 гектар майдонда давлат хусусий-шериклик асосида «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш ва қўшимча сифатли арзон нархларда хизматлар кўрсатишни ташкил этиш.

### **Бунинг учун:**

Лойиҳани амалга ошириш давомида мехмонхона хизматлари билан бирга қўшимча хизматларни ҳам ташкил этиш, истикболда кўрсатиладиган хизматларни диверсификация қилиш, тури ва ҳажмини ошириш назарда тутилган.

- Биринчи навбатда Тошкент давлат аграр университетига қарашли Бўстонлик туманида жойлашган 5,4 гектар майдонда давлат хусусий-шериклик асосида «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш ва тақдим этиладиган қўшимча хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради;

- Қўшимча тақдим этиладиган хизматлардан, шу жумладан спорт зали, ташқи сузиш бассейни ва соғломлаштириш саунасини қуриш, турли маиший хизматлар, ошхона хизматлари, IT каби хизматлардан фойдаланиш учун узоққа бормасликлари, вақт ва маблағ тежалишига имкон туғдиради;

- Тақдим этиладиган қўшимча хизматлар ҳисобига янги ишчи ўринлари яратилади ва ишсиз аҳоли бандлиги таъминланади.

Жамият томонидан ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида барпо этилиши кўзда тутилаётган талабалар турар жойи хизматларига бўлган талаб, ушбу режадаги ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча омиллар тўлиқ ҳисобга олинган ва режадаги ишларни амалга ошириш учун барча имкониятлар етарли эканлиги назарда тутилган.

Жумладан мехмонхона ва бошқа турдаги биноларни қуриш, жиҳозлаш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун Тошкент давлат аграр университетига қарашли Бўстонлик туманида жойлашган 5,4 гектар майдонда давлат хусусий-шериклик асосида «Юсуфхона» ўқув амалиёти ва дам олиш масканини ташкил этиш ва қўшимча сифатли арзон нархларда хизматлар кўрсатишни ташкил этиш бўйича ҳудудида фойдаланилмаётган ер майдони ажратилиши, бинонинг қурилиши, бино ва хоналарнинг зарур мебел ва ускуналар билан жиҳозланиши, талабаларга замонавий шарт-шароитлар яратилиши учун жамият томонидан молиялаштириладиган маблағларнинг етарлилиги ҳам алоҳида ҳисобга олинган.

#### **11. Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

Умумий қиймати **31 301 148,0** млн. сўм ДХШ лойиҳасининг дастлабки молиявий ҳисоб-китоблари, бизнес-режаси ҳамда ДХШ лойиҳасининг самарадорлик кўрсаткичларини асослантирувчи ҳужжатлар тўпламини ичига олган.